

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2008 йил 2 апрель, № 65 (4475)

Чоршанба

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, СЕРЖАНТЛАР!

Мамлакатимизда ички ишлар идоралари учун малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боис соҳанинг юқоридан қуйига бўлган барча тузилмалари амалда сифат жиҳатидан бутунлай янгича асосда шакллантирилди. Чунончи, юртимизда ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашнинг замонавий усул ва воситаларидан кенг фойдаланган ҳолда жамоат хавфсизлиги, фуқаролар оқолини таъминлашнинг самарали тизимини қарор топтириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Ўз навбатида ички ишлар идоралари олдидаги масъулиятли ва шарафли вазифаларни амалга оширишда тизим шахсий таркибини юксак малакали, профессионал кадрлар билан мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, мамлакатимиз ички ишлар идораларида хизмат қилиш орасидаги йигит-қизларга Ёшлар йилида янада катта имкониятлар яратиб берилмоқда. Улар соҳанинг ўзига хос сир-синоатларини ўрганишлари ва ҳар томонлама етук ҳодим бўлиб етишишлари учун Ички ишлар вазирлигининг академияси, Ёнгин хавфсизлиги олий-техник мактаби, Тошкент Олий ҳарбий-техник билим юртыда ўқиш-ўқитиш ишлари замон талаблари асосида йўлга қўйилган.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган Ички ишлар вазирлигининг академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш Олий курси ҳам йилдан-йилга давр билан ҳамнафас, ҳар жиҳатдан чиққан, юртимиз тинчлиги, фуқароларимиз оқолини таъминлашга қодир соҳа ходимларини тайёрлаш борасида ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда.

Кайд этиш жоизки, Олий курсда курсантларга назарий билимлар билан бир қаторда, амалий кўникмаларни мустаҳкамлашга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу ердаги замонавий компьютер ва лингафон, жанговар-тактик машғулларни ўргатиш, спорт машқури олиб бориш хоналари курсантлар ихтиёрида. Айниқса, ўқишнинг самарали усуллари, мультимедиа ва замо-



навий ахборот технологияларидан кенг фойдаланилмоқда.


Кўни кеча Ички ишлар вазирлигининг академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш Олий курсининг наватбадаги битирувчиларига диплом ва кичик сержант унвонларини топтириш маросими бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчи-

лик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, олий таълим муассасаларининг раҳбарлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотлари, битирувчиларнинг ота-оналари ҳамда хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари вакиллари қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлубов, академия бошлиғи вазифасини бажарувчи полковник А. Якубов, академия ўқитувчиси Э. Орифхонов, ота-оналар вакили

(Давоми 2-бетда).

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



28 март ва 1 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг наватбадаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлиси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д. Тошмухамедова олиб борди.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тақдир этилган кўн тартибини тасдиқладилар.

Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси И. Насриев «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги

Ўзбекистон Республикаси қонунига палатаси Спикери Д. Тошмухамедова олиб борди. Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тақдир этилган кўн тартибини тасдиқладилар. Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси И. Насриев «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги

чиқиш учун маромига етказишни топтиридилар.

«Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги қонун лойиҳаси ҳақида Саннат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг аъзоси Р. Рўзметов маъруза қилди. Ҳужжати модда-модда муҳокама қилиш чоғида депутатлар айрим ҳуқуқий нормаларни янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор тақлифлар киритди. Қонунчилик палатаси билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди.

«Ветеринария тўғрисида»-ги ва

«Ўсимликлар карантини тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунлариغا ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасини Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси аъзоси Қ. Қўриқов тақдим этди. Савол-жавоблар ва қонун лойиҳаси батафсил муҳокама этилганидан кейин депутатларнинг асосий қоидаларини маълумлаш ҳақида ҳужжатни биринчи ўқишда қабул қилди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(Ў.А.)

АНДИЖОН ТОМОНЛАРДА

Дунёда инсон учун дийдорлашувдан аълоқроқ сийлов бўлмаса керак. Қалам аҳли бунинг учун ҳис этади, бунга иштирокчи ҳан. Айниқса, бундай дийдорлашувнинг бутун таъбиат яшариб бораётган паллаларда, аниқроғи, Наврўз айёми арафасида юз бериши омаднинг нақ ўзгасидир. Бизга шундай омад насиб этди. Наврўз кунлари Андижон вилоятига сафарга чиқдик.

УЙҒОНГАН БОҒЛАР

Машинамиз Қамчиқ дово-нидан охири ўтар экан, баҳор келганига қарамай, ҳали тоғларда бамайлихотир ястанган қор салтанатини кўриб, кўнгилларимиз ҳақриқиб кетди.

Водийларни яёв кезганда...

Мархаматдаги қурилиш ва коммунал хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежига етиб келганимиз заҳоти бизга коллеж муаллимлари пешвоз чиқиди. Дилдан сўхбатлашдик. Коллеж биноси орқасидаги каттагина майдонга «Қамолот» ёшлар боғи» барпо этиш ниятида бир неча минг тул мевали дарах-

рихон туманларида бўлганимизда ана шундай кўру ҳисини очинишга шайланган ёшлар билан кўрдик.

Вилоят касб-ҳунар коллежларида бир неча замонавий ҳўнари эгаллашга интилаётган навиқорон авлод вакиллари билан учрашганимизда, қишлоқларда ташкил этилган, ўзи кичик бўлса-да, катта самара бераётган корхоналардаги иқтидорли ёшлардан турли омушта мулоқотлар бўлиб кетди.

Ҳа, ҳамма ерда боғлар уйғонган, юртимизнинг беэзаги бўлган уйғонган боғлар...

(Давоми 4-бетда).

Кўргазма

Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ҳамғармаси томонидан ташкиллаштирилган «Bazar-Art. Баҳор 2008» кўргазма-ярмаркасининг ёпилиш маросими бўлиб ўтди.

ХУНАРМАНДЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Бир ҳафта давом этган мазкур кўргазма-ярмаркада юртимизнинг юздан зиёд маҳоратли уста ва хунармандлари халқ амалий санъатининг барча йўналишлари бўйича ўз асарларини тақдим этишди.

Кўргазма якунида энг яхши амалий санъат усталари турли номинациялар бўйича тақдирланди. Натижаларга қўра, «Аънавий тўқимачилик ва миллий либос санъати» номинацияси бўйича Мадина Қосимбоева, «Аънавий қандакорлик санъати устаси» — Абдурашид Мадалиев, «Миниатюра ва наққошлик санъати устаси» — Насиба Аҳмедова, «Ёгон ўймакорлиги санъати устаси» — Фанис Аҳмадиев, «Зардўлик санъати устаси» — Маҳфуза Салимова, «Кулолчилик санъати устаси» — Рамозон Муҳаммадхон, «Аънавий каштачилик санъати устаси» — Зулайхо Каримова ҳамда «Аънавларни замонавий шаклларида сақлашга қўлланган ҳисоси учун» номинациясида Шаҳноза Мўминовалар голиб топилди.

Кўргазманинг бош соврини, яъни Қозғистонда бўлиб ўтаётган «Бизнинг авангард» халқаро дизайн ва модельерлар фестивалига йўллангани миллий либослар дизайнери Тохир Саидқуллов қўлга киритди.

Омонулло ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига уйғунлаштирилган халқаро нормаларини амалга оширишнинг долзарб масалалари» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

ЁШ АВЛОД МАНФААТЛАРИ ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

Ёшлар йилига бағишланган ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда Халқаро ишлар ва парламентларо алоқалар қўмиталари томонидан мазкур олий ўқув юрти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Анжуманини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари А. Турсунов бошқарди.

Конференцияда парламент қўйи палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А. Саидов, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ректори У. Бегимқуллов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшлар тўғрисида доимий ҳамқўрилик қилинаётганини, уларни ҳаётга қатъий эътиқод ва қарашлар, менталитетимизга ёт зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга катта эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидладилар.

Ёшларнинг манфаатларини таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ҳуқуқий базани ҳамда таълим жараёнини унинг узлуқсизлиги ва давомийлиги нуқтаи назаридан янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, болаларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, уларни умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланган етук шахслар этиб воғна етказиш ҳозирги кунда давлатимиз сийосатининг устувор йўналишига айланган. Юртбошимизнинг шу йилнинг 29 февралдаги «Ёшлар йили» Давлат дастури тўғрисидаги Қарори бунинг амалдаги яна бир ифодасидир.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Долзарб мавзу муҳокамаси

Вилоятда фаолият кўрсатаётган банклар раҳбарлари тадбиркорлик субъектлари, кичик ва ўрта бизнес соҳасига ажратилаётган кредитлар, улардан мақсадли фойдаланиш ҳақида ахборот бердилар. Анжуманда иштирок этган тадбиркор хотин-қизлар эса ўз фаолиятлари учун гоётда зарур маълумотларга эга бўлдилар.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

Кўчат эк, боғ ярат

Пастдарғом туманидаги «Чархин» кўчат етиштириш таъриба ҳўжалигида ҳар йили 250 минг тулдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилди.

— 109 гектар майдонда кўчатчиликни йўлга қўйганимиз, — дейди ҳўжалик раҳбари Абдураҳим Воҳидов. — Республикаимизнинг аксарият вилоят-

ларига бизда етиштирилаётган дарахт ва гул кўчатлари бор-либ етаётганидан хурсандимиз.

Абдураҳим САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Янгибодлик касаначилар

Жорий йилнинг ўтган даврида Янгибод туманидаги касаначилар сони 78 нафарга кўпайди.

«Раёҳона-Сўғдиёна» хусусий фирмаси нон ва нон маҳсулотлари билан бирга, турли пиширикларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйганидан бунг жамоа сафига 14 нафар касаначи қўшилди. Туман аҳлига сўт, қатиқ, қаймоқ, пишлоқ каби маҳсулотларни етказиб бераётган «Сармич чорвадор» МЧЖда эса 20 нафар касаначи иш бошлади.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Кичик корхонанинг катта ишлари

Янгибозор туманидаги «Элинза» хусусий корхонаси раҳбари Йўлдош Эрнazarов Хоразм вилоятида биринчилардан бўлиб тиббий жиҳозлар ва ўқув мебеллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Ҳозир бу корхонада 21 нафар киши меҳнат қилмоқда, 87 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилапти. Ҳар ойда 50-60 млн. сўмлик тиббий жиҳозлар, ўқув мебеллари

ва бошқа маҳсулотлар истеъмолчиларга етказиб беришмоқда.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Дебют-2008»: голиблар аниқланди

Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ташкил этилган 8-режиссёрларнинг «Дебют-2008» иккинчи республика кўрик-фестивали голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Хамза Хонов (Кўхон шаҳар мусиқали драма театри), Сағимбой Айимбетов (Қорақалпоғистон ёш томошбинлар театри), Жавлон Жўраев (Наманган вилоят мусиқали драма театри), Раҳматилла Тўхтабоев (Фарғона вилоят мусиқали драма театри) ҳамда Қўлимурод Ёқубов (Ўзбекистон Давлат санъат институти), Ҳабибулло Қодиров (Жиззах вилоят мусиқали драма театри) каби ёш режиссёрлар турли номинациялар бўйича голибликни қўлга киритдилар.

Назозат УСМОНОВА, ў.А. мухбири.

Кўркем, шинам, замонавий

Наврўз шўҳуқи давом этаётган айни кунларда Тошкент туманида яна бир таълим муассасаси қад ростлади.

«Кўркем» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида қурилиш ва коммунал хизмат касб-ҳунар коллежи ёшлар ихтиёрига топширилди. Бўлуғли мутахассислар эндиликда замонавий услубда жиҳозланган кенг-ёруғ синфхоналарда таҳсил қўрадилар. Назарий билимларини лаборатория ва ўқув устаноналарида амалий жиҳатдан синоадан ўтказадилар. Шинам спорт майдончалари ва барча шароитлар муҳайё этилган қишқи зағда эса жисмонан чиникдилар.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

КИЧИК БИЗНЕС СИФАТ ЖИҲАТИДАН РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

2010 йилга бориб, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулот таркибидagi улуши 50-52 фоизга етказилади.

Кичик бизнес субъектларини нафакат сон жиҳатидан, балки уларни, аввало, сифат жиҳатидан ривожлантириш, бу борада оддий ишлаб чиқаришдан ички ва ташқи бозорга йўналтирилган мураккаб, юксак технологияга асосланувчи ишлаб чиқаришга ўтиш масаласини оқилона ҳал этиш орқали шундай ижобий натижага эришилади.

Бир рақам шарҳи

O'ZSANOATQURILISHBANK

«Ўзсаноатқурилишбанк» омонатчилари юқори даражада фойда олиш имкониятига эга бўлмоқдалар.
 • 2007 йил 1 январь ҳолатига кўра, банкдаги аҳоли омонатларининг жами миқдори 99 миллиард 263 миллион сўмни ташкил этган бўлса, шу йилнинг бошида ушбу кўрсаткич 126 миллиард 75 миллион сўмга етди.
 • «Ўзсаноатқурилишбанк»да сақланувчи аҳоли омонатлари Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.

Банкнинг ўз миқозлари ишончини қозониши қайси омиларга боғлиқ? Узаро муносабатларнинг янада мустақамланиши-чи? Табиийки, бунга эришиш учун молиявий муассаса миқозларга ишончли ҳамкор сифатида қараш, қўйилган омонатларнинг бус-бутун сақланишини таъминлаб, ҳар бир киши ундан чекловларсиз, ихтиёрий равишда фойдалана олишига шароит яратиш лозим. Шу маънода, Президентимизнинг яқинда эълон қилинган «Тижорат банклариди аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ва кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада банклар учун муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Мухбиримиз «Ўзсаноатқурилишбанк» бошқаруви раиси ўринбосари Мухаммад МИРЗАБОВ билан мазкур ҳужжат талаблари ижроси қандай бажарилаётгани хусусида суҳбатлашди.

— Одатда, барча ҳўжалик юривчи субъектлар сингари, банклар ҳам ўзининг тижорат фаолиятини барқарор юривтиш учун, албатта, ўз ресурслари ва аҳолидан жалб қилинган маблағлардан кенг фойдаланадилар, — деди у. — Агар ҳар бир фуқаро банкка қўйган маблағининг бут сақланишига, ўз вақтида қайтарилишига ва уларга тўланадиган фойзаларнинг барқарор бўлишига, банкдаги пул маблағлари билан боғлиқ барча маълумотлар сир сақланишига қанчалик ишонч ҳосил қилса, ўзининг вақтинчалик бўш пулларини банкда сақлашга, эвазига қўшимча даромад олишига қизиқиши шу даражада кўчаиши турган гап. Таъкидлаш лозимки, Президентимизнинг мазкур Фармони бу вазибаларни амалга ошириш, банкка мурожаат этувчи ҳар бир шахснинг хоҳиш-истагини тўла қаноатлантириш йўлида янада кенгроқ имкониятларни яратди. Хусусан, 2008 йил 1 апрелдан 2009 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда банклар Ўзбекистон Республикаси резидентлари — жисмоний шахслардан депозит ҳисобварақларга, жумладан, тақдим этувчининг депозитларига нақд пул шаклида қўйилган ёки ўзларининг хорижий банклардан ўқазган миллий ва хорижий валюталардаги пул маблағларини омонатларининг миқдорини чекланмаган ва уларнинг келиб чиқиш манбаларини тасдиқлайдиган ҳужжатларни талаб этмаган ҳолда қабул қилади. Айни пайтда бу маблағлар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан озод қилинади.

— Айтингчи, мазкур Фармон талабларидан келиб чи-

қиб, «Ўзсаноатқурилишбанк»да бўлажак омонатчиларга янада қулай шароит яратиш учун қандай ишлар амалга оширилди?

— Биласизми, биз учун миқоз манфаати, қолаверса, банкимизга мурожаат этувчи ҳар бир шахс хоҳиш-истагини тўла қондириш усуллари вазибалари ҳисобланади. Зеро, қаноат ва қониқиш ортдими, ишонч кафолатландими, демек, миқозларимиз сафи кенгайди. Демокриманики, банкимиз барча юрtdошларимизга янги-янги хизмат турларини тақлиф этар экан, энг аввало, миқоз манфаати — ҳамма нарсадан устун, деган ақидага асосланади.

Бугунги кунда банкимизнинг 49 та филиали, 189 та жамгарма касаси, 160 га яқин валюта айирбошлаш шохобчаси, 89 та минибанки, 3 та банк хизматлари маркази фаолият кўрсатмоқда. Ўтган давр мобайнида, аввало, шу муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимлар ўртасида Фармон

талаблари бўйича семинарлар ва суҳбатлар ўтказиб, тушунтириш ишларини олиб бордик. Бу жараёнда омонатчилар ўзининг шахсий ҳақда тақдим этувчининг ҳисобварағига, яъни аноним равишда пул қўйиши мумкинлигига алоҳида эътибор қаратилди. Фармоннинг мақсадмоҳияти ва миқозларга берилган имтиёзлар ҳамда банкка оид бошқа масалалар бўйича алоҳида тушайтган мурожаатларга малакали жаваб бериш учун масъул маслахатчи-мутахассислар жалб этилди.

Бундан ташқари, банкимиз филиалларига қарашли барча жамгарма касалари орқали аҳолига 20 хилда миллий, 5 хилда хори-

жий валютада омонат турлари тақлиф қилинмоқда. Бу миқозлар пул маблағларини сақлашда ўзларига энг мақбул шартлар ҳамда муддатларни танлаш ва ўз даромадларини оширишда муҳим омил бўлаётти. Масалан, «Саховат» омонатига аҳолининг пул маблағлари 3 ой муддатга, йиллик 30 фоиз ҳисобидан даромад тўлаш шартли қабул қилинмоқда. «Капитал плюс» омонатига эса 6 ой муддатга, йиллик 24-26,82 фоиз ҳисобидан даромад тўлаш шартли билан аҳоли миллий валютадаги

рининг юқорилиги, сақлаш муддатларининг хилма-хиллиги ҳамда омонатчилар ўз фойз даромадлари миқдорини ҳар ойда олиш имконияти уларнинг оммалашшига сабаб бўлмоқда. Айни чоғда аҳолининг банк омонатларига жалб қилинган маблағлари декларация қилинмаслиги, шунингдек, нафақат банклар, балки ҳуқуқчи муҳофазаси қилиш, солиқ ва бошқа назорат органларига омонат кўювчи жисмоний шахслардан пул маблағларининг келиб чиқиш манбалари тўғрисидаги турли ҳуж-

нинг банкка ишониб топширган маблағларини қўшимча фойз даромадлари билан сўзсиз қайтарилиши таъминланган. Қабул қилинган Фармон эса банкимиз билан аҳоли ўртасида ишончли шериклик муносабатларини янада мустақамлаштириш, аҳоли томонидан миллий ва хорижий валюталардаги бўш пул маблағларининг омонатларга қўйилишини сезиларли миқорда ошириши, пировард натижада мамлакатимизда иқтисодий ривожлантириши, одамлар турмуш даражасининг ўсишига имконият яратиши жиҳатидан аҳамиятлидир.

Хозир омонатларнинг бус-бутун сақланиши, банк сирини, омонатчиларнинг биринчи талабидек уларга пул маблағларининг ҳеч қандай тўсиқсиз берилиши барча банк филиалларимизда йўлга қўйилган. Айниқса, аҳолининг барча қатламларини ҳисобга олиб, жорий қилинган «Ажойиб», «Ғаройиб», «Тақдим этувчи», «Эъзоз», «Фойдали», «Тантана», «Кўкма»,

«Шодиёна» ва «Ипотека» омонат турлари ўз қулайлиги билан миқозларда қизиқиш уйғотмоқда. Саббаби, банк томонидан тақлиф қилинаётган ушбу жозибдор омонатлар аҳолининг тақлиф ва истаклари асосида ташкил этилган бўлиб, улар учун қулай, фойзалар юқори ва кафолатланган. Асосийси, биринчи талаб қилиншидаёқ омонат қайтарилади. Банкимизда омонатини сақлаган фуқаролар юқори даражада фойда олиш имконига эга бўлаётганликларининг боиси шунда. Бир мисол, 2007 йил 1 январь ҳолатига кўра, банкимиздаги аҳоли омонатларининг жами миқдори 99 миллиард 263 миллион сўмни ташкил қилган бўлса, шу йил бошига келиб, ушбу кўрсаткич 126 миллиард 75 миллион сўмга етди. Яъни, бир йил мобайнида аҳоли омонатларининг миқдори 26 миллиард 812 миллион сўм кўпайишига эришилди.

Яна бир гап. «Тақдим этувчи» омонат турларига маблағ қўйишда омонатчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат талаб қилинмайди. Бундай омонат турларига маблағ қўйилгандан сўнг унга жамгарма дафтарчаси берилиб, омонатчини танлаган пин коди кириш ҳужжатларига қайд этилади. Шу билан бирга, ушбу пин коди омонат дафтарчасидан алоҳида сақлаш тавсия қилинади. Омонат муддати келганда ёки муддатидан олдин олиш истаги билдирилганда, банкка қўйилган омонат китобчаси билан шахсий пин код маълум қилинади, холос.


Газетхонларга шунини айтишни истардимки, бугунги кунда банкимиз филиаллари мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларида фаолият кўрсатмоқда. Ходимларимиз эса ўз муассасасига ташириб буорган, мурожаат этган ҳар бир кишини ҳушмуомалалик билан қўтиб олиб, хоҳиш-истагини англаб етган ҳолда, тезкорлик билан юқори савияли банк хизмати кўрсатишга интиломоқдалар. Қолаверса, филиалларимизда «Ишонч телефонлари» ишлаб турибди. Улар орқали миқозлар ҳар қандай эътироз, илтимос ва истакларини билдириши мумкин. Барча муаммолар ўз вақтида, омонатчининг манфаати ва фойдасига ҳал этилади.

Шу ўринда омонатчилар томонидан банкимизга қўйилажак пул маблағлари дахлсизлиги тўлиқ кафолатланганлигини яна бир бор эслатиш уридли деб ўйлайман. Маблағлар нақд пул шаклида ҳам, омонатчиларнинг хорижий банклардаги шахсий ҳисобварақларидан пул ўтказиши йўли билан ҳам қўйилиши мумкин. Бунда маблағларнинг келиб чиқиш манбалари тўғрисида маълумот ва ҳужжатларни тақдим этиш талаб қилинмайди. Уларни сўраб олиш қатъин тақидланади. «Ўзсаноатқурилишбанк»да омонатчиларнинг ҳисобварақлари ва пул қўйилмалари борасида, шунингдек, улар бўйича амалга ошириладиган операциялар хусусида банк сирини сақланиши ҳам кафолатланган.

Республикаимиздаги энг йирик тижорат банкларидан бири бўлмиш «Ўзсаноатқурилишбанк» — бу Сизнинг банкингиз. Биз доимий равишда миқозларнинг ишончини оқлаб, уларга тақдим этидиган махсулот ва хизматларимизни тақомиллаштириб бораверамиз.

Фурқат САНАЕВ суҳбатлашди.

ОМОНАТЧИ МАНФААТИ — БАНК МАНФААТИ



жатар ва банк сирини ҳисобланадиган маълумотларни олиш қатъин мумкин эмаслиги борасида кенг тарғибот ишлари олиб борилаётгани ҳам ўз самарасини бермоқда.

— Халқимизда «Тома-тома кўл бўлур» деган нақл бор. Шу маънода, «Ўзсаноатқурилишбанк»да омонатчи томонидан банкка қўйилган ҳар бир сўмни сақлаш ва уни омонатчининг хоҳишига кўра, тасарруф этиш қандай кафолатланади?

— Аввало, шунини айтиш керакки, мамлакатимизда бу борада мустақам ҳуқуқий замин яратилган. Унинг қонуний асослари иш-лаб чиқилиб, амалиётда қўлланилмоқда. Жумладан, республикамиз-

O'ZSANOATQURILISHBANK

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 февралдаги «Тижорат банкларда аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан қабул қилинган чора-тадбирлар дастурига мувофиқ «Ўзсаноатқурилишбанк» бўлимларида ташкил қилинган

«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ»

Т/р	Банк номи	Ишонч телефонлари рақами (коди)	Т/р	Банк номи	Ишонч телефонлари рақами (коди)
	«Ўзсаноатқурилишбанк» Бош банк	8 (371) 236-74-47 8 (371) 120-45-24	1.	Марказий амалиёт минтақавий филиали	8 (371) 140-15-24
1.	Андижон минтақавий филиали	8 (374) 222-30-39	1.	Тошкент шаҳар минтақавий филиали	8 (371) 236-06-54
2.	Хонобод филиали	8 (374) 734-11-89	2.	Юнусобод филиали	8 (371) 224-04-32
3.	Бунёдор филиали	8 (374) 224-41-94	3.	Хамза филиали	8 (371) 252-76-35
1.	Бухоро минтақавий филиали	8 (365) 223-78-24	4.	Сирғали филиали	8 (371) 258-37-23
2.	Тўқимачилик филиали	8 (365) 224-47-48	5.	Миробод филиали	8 (371) 237-87-53
3.	Котон филиали	8 (365) 524-70-02	6.	Собир Раҳимов филиали	8 (371) 248-44-42
4.	Қоровулбозор филиали	8 (365) 364-18-81	7.	Мирзо Улуғбек филиали	8 (371) 233-90-24
1.	Қашқадарё минтақавий филиали	8 (375) 223-23-08	8.	Учтепа филиали	8 (371) 276-49-20
2.	Муборак филиали	8 (375) 222-34-73	9.	Охунбобоев филиали	8 (371) 272-84-25
1.	Навоий минтақавий филиали	8 (436) 224-69-81	10.	Ракат филиали	8 (371) 254-66-90
1.	Наманган минтақавий филиали	8 (369) 234-19-24	11.	Қатортол филиали	8 (371) 278-17-58
1.	Қорақалпоғистон минтақавий филиали	8 (361) 780-01-52	12.	Шахристон филиали	8 (371) 212-37-95
2.	Тахياتош филиали	8 (361) 572-13-57	13.	Нодирабегим филиали	8 (371) 244-09-65
3.	Кўнғирот филиали	8 (361) 312-33-36	14.	Чилонзор филиали	8 (371) 276-90-39
1.	Самарқанд минтақавий филиали	8 (366) 233-80-16	1.	Тошкент вилояти минтақавий филиали	8 (371) 244-51-16
2.	Каттакўрғон филиали	8 (366) 456-42-02	2.	Олмалик филиали	8 (370) 613-34-69
3.	Амир Темур филиали	8 (366) 221-10-07	3.	Ангрен филиали	8 (370) 662-17-90
1.	Сирдарё минтақавий филиали	8 (367) 225-26-81, 8 (371) 150-13-83	4.	Чирчиқ филиали	8 (370) 716-23-36
1.	«Ўзсаноатқурилишбанк» қошидаги Амалиёт бошқармаси	8 (371) 120-45-70	5.	Газалкент филиали	8 (370) 742-02-80
			6.	Қўрай филиали	8 (371) 289-33-34
			7.	Янгиёул филиали	8 (370) 602-11-41
			1.	Фарғона минтақавий филиали	8 (373) 224-68-63
			2.	Қирғули филиали	8 (373) 222-18-64
			3.	Марғилон филиали	8 (373) 233-07-23
			4.	Қўқон филиали	8 (373) 553-04-36
			1.	Хоразм минтақавий филиали	8 (362) 226-19-45
			2.	Хива бўлими	8 (362) 375-40-11

Ҳурматли ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 27 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-823-сонли Қарорига мувофиқ, 2008 йил 1 апрелдан Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасининг янгиланган 2007 йил версияси амалга киритилади.

Махсулотларни Ўзбекистон Республикаси ТИФ ТН (2007 версияси) бўйича таснифланиши (классификацияланиши) юзасидан саволлар билан «O'zbekspertiza» ОАЖ ва унинг худудий шўба корхоналарига қуйидаги манзиллар бўйича мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел.: (99871) 138-97-25, 138-97-23, 138-97-28.

«Андижонэкспертиза» ШЖ	Раҳбар — Камолов Шухрат Нематжонович, 710020, Андижон шаҳри, Истиклол кўчаси, 25-уй, тел.: (37422) 4-20-44, факс: 4-37-90.
«Бухороэкспертиза» ШЖ	Раҳбар — Хўжаев Темур Нарзуллаевич, 705004, Бухоро шаҳри, Отабой Эшоннов кўчаси, 28-уй, тел.: (36522) 3-46-55, факс: 3-24-26.
«Жиззахэкспертиза» ШЖ	Раҳбар — Зарипов Абдутолип Абдурасулович, 708003, Жиззах шаҳри, Улуғбек маҳалласи, Зомин кўчаси, 88-«А» уй, факс: (37222) 4-28-94.
«Қорақалпоқэкспертиза» ШЖ	Раҳбар — Зоркина Галина Александровна, 742006, Нукус шаҳри, Тўртқўл шоссеси, 20-уй, факс: (36122) 2-04-90.
«Қашқадарёэкспертиза» ШЖ	Раҳбар — Ботиров Юсуп, 730000, Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» кўчаси, 2-уй, тел.: (37522) 7-12-65 факс: 7-11-39.
«Навоийэкспертиза» ШЖ	Раҳбар — Нурмухамедов Рашид Хўжанович, 706800, Навоий шаҳри, Амир Темур кўчаси, 34-уй, 46-хонадон, тел.: (43622) 3-29-29, факс: 4-96-71.
«Наманганэкспертиза» ШЖ	Раҳбар — Илёсов Баҳриддин Садридинович, 716002, Наманган шаҳри, Аҳси кўчаси, 60-уй, тел.: (3692) 33-09-97, факс: 33-72-41.
«Самарқандэкспертиза» ШЖ	Раҳбар — Исмаилов Асатулла Исмаилович, 703050, Самарқанд шаҳри, Рудакий кўчаси, 90-уй, 21-хонадон, тел./факс: (36622) 9-05-99.
«Сурхондарёэкспертиза» ШЖ	Раҳбар — Турдалиев Юсуп Худойкулович, 732004, Термиз шаҳри, Собир Раҳимов кўчаси, 4-уй, тел.: (37622) 3-14-35, факс: 3-12-47.
«Сирдарёэкспертиза» ШЖ	Раҳбар — Кодиров Маъмур Сотволдиевич, 707000, Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 17-уй, 13-хонадон, тел.: (36722) 5-07-43, факс: 5-46-62.
«Фарғонаэкспертиза» ШЖ	Раҳбар — Аҳмадjonов Аваз Камолович, 712000, Фарғона шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 32-уй, тел.: (37322) 4-84-30, факс: 4-80-63, бух. тел.: 4-82-76.
«Хоразмэкспертиза» ШЖ	Раҳбар — Кулумов Улуғбек, 704000, Урганч шаҳри, ал-Хоразми кўчаси, 23-уй, 195-хонадон, тел./факс: (36222) 6-03-10.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

нархлари ошиб бориш тартибда ўтказиладиган тақририй очик аукцион савдосига тақлиф этади.

Аукцион савдосига жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти судининг 2007 йил 9 октябрдаги 2-130-сонли ижро варақасига асосан давлат фойдасига мусо-дара қилинган, Чортоқ тумани ИИБ ИХХБ жарима майдонида сақланаётган, фуқарога тегишли «ВОЛБВО» русумли, давлат белгиси 16 R 52 03 бўлган, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси — 60 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2008 йил 17 апрель кuni соат 11.00 да Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уйда ўтказилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган автотранспорт воситаси билан суд ижроичилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Наманган вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт: АТИБ «Ипотекабанк»и Наманган бўлими, МФО 00223, ИНН 200933850, х/р 20210000600571452072.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (8-369) 226-54-47, 226-27-01, 223-08-90.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (8-369) 226-54-47, 226-27-01, 223-08-90.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (8-369) 226-54-47, 226-27-01, 223-08-90.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (8-369) 226-54-47, 226-27-01, 223-08-90.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (8-369) 226-54-47, 226-27-01, 223-08-90.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (8-369) 226-54-47, 226-27-01, 223-08-90.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (8-369) 226-54-47, 226-27-01, 223-08-90.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (8-369) 226-54-47, 226-27-01, 223-08-90.

